*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси**

1990 йил 23 май
ЧОРШАНБА
№ 116 (4.910).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

# ҒЎЗА КУН САНАЙДИ

Баҳорнинг серташвиш кунлари охирламоқда. Бу йилги кўкламдан нолимасак бўлади. Чунки авваллари шу фаслда, айниқса май ойининг бошида юрагимизни ҳовучлаб турардик. Сел, дўл ёки бўрон бутун меҳнатимизни яксон қилиб кетиш хавфи тинчлик бермас эди. Баъзан жами пайкалга қайта чигит экардик, ниҳолларни қатқалоқдан аранг қутқариб олардик.

Хайриятки, амалдаги йилда ишларимиз яхши юришди. Энг муҳими — чигитни тупроқнинг ўз намида ундириб олдик. Нафақат бизда, балки бошқа бригадаларда ҳам шундай қулайлик туфайли тўла гектарлар ҳосил қилинди. Ниҳоллар соғлом, дуркун ўсаяпти. Мана шунинг ўзи деҳқончиликдаги дастлабки ютуқ ҳисобланади.

Ғўза кун санайди, дейишади. Ҳақ гап. Бу йил у камида йигирма кун аввал кун санай бошлади. Демак, комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу ёғига янглишмасак, пахта ҳар йилгига нисбатан бир ой эрта пишади. Кузги машаққатлар озроқ бўлишига эришилади.

Мен жамоага ўттиз тўрт йилдан бери раҳбарлик қиламан. 62 ёшга кириб, деҳқон учун ҳеч қачон осон йил бўлганини эслай олмайман. Баҳор нотинч келса, кузда ҳаво юришиб, нуқсонлар ювилиб кетади. Кўклам биз истагандай келса, куз инжиқлиги тинкамизни қуритади. Айтмоқчиманки, бу йилги баҳор меъёрида келган экан, бутун тажрибамизни ишга солган ҳолда бундан фойдаланиб қолмоғимиз даркор. Ҳозир бутун диққат-эътибор ҳосилни имкони борича эрта етилтириш, уни ёғин-сочинли кунларга етказмай йиғиб-териб олишга қаратилсагина мурод ушалади.

Биз 95 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Юкимиз оғир: гектар ҳисобига 36 центнердан уруғлик пахта етиштиришимиз керак. Бунга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Сидқидилдан қилинадиган меҳнатга қўшимча фидойилик, катта тажриба ва маҳорат талаб этилади.

Ишимиздан кўнглимиз тўлган жойи шундаки, ерни экишга яхшилаб тайёрладик. Уруғ нами етарли майин тупроққа қадалди. Биринчи озиқлантириш шу тадбир билан бирга ўтказилди. Ҳафта ичида барча майдонларда чигит бодраб чиқди. Оласини тўлдиришга ҳожат қолмади. Шундан кейин культивациялашни бошлаб юбордик. Механизатор Лочин Холмирзаевнинг иши ҳаммамизни қувонтирди. У худди заргардек иш юритди. Ишчи қисмларини шундай созладики, ҳатто бир туп ниҳолнинг тупроққа кўмилишига йўл қўйилмади. Тракторни эса ип устида юргизгандек моҳирлик билан бошқарди.

Культивациядан чиққан пайкаллардаги ғўзани пешма-пеш яганалашга киришдик. Бу жараён ниҳоятда нозик эканини деҳқон яхши билади. Шунинг учун уни қаттиқ назорат остида ўтказдик. Яганалашда имкони борича биринчи униб чиққан ниҳолни саралаб қолдириш пайида бўлдик. Чунки бугун тупроқни ёриб чиққан чигит бир ёки икки кун кейин кўкарганига нисбатан ҳосилни ўн кун аввал етиштиради.

Табиийки, биринчи культивация ва яганалаш пайтида ниҳол остида эндигина ниш урган ёввойи ўт кўзга ташланмайди. Мана шу нарса кўп хавфли. Унинг олди олинмай, иккинчи озиқлантириш ва суғориш бошлаб юборилса, бегона ўт бирдан авж олиб кетади. Натижада озуқага шерик бўлади. Шу боисдан биз культивация ва яганалашдан кейин жами майдонни чопиқдан чиқардик. Бу юмуш ҳам қаттиқ назорат остида ўтказилди. Сифат комиссияси ҳар эгатни биттама-битта қабул қилиб олди. Ниҳолларни чопиқ қилишда айниқса Марҳаматхон Орзиқулова, Ҳафизахон Узоқова, Холидахон Нурматова каби колхозчилар барчага ибрат бўлишди. Улар ҳар туп ғўзани бирмабир ишловдан чиқардилар.

Қисқаси, барча майдонларда биринчи комплекс ишлов бериш кўнгилдагидек тамомланди. Ниҳоллар текис чинбарг чиқариб, эркин ва соғлом ривожланмоқда. Ҳар гектар ерда 110 минг туп кўчат мавжуд. Яъни бир уяда шунча туп ғўза ўсаяпти. Айни кунларда меҳнат аҳли иккинчи ишловга ҳозирлик кўрмоқда. Бу тадбирнинг талаблари эса ўзига хос, янада мураккаб.

Далада ишлаётган одамларга қулай шароит яратилмоқда. Шийпон дилни яйратадиган даражада жиҳозланган. Унинг атрофида боғ шовуллаб турибди. Ўн икки сотих ерда сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Помидор, карам, картошка, сабзи, пиёз, болгар қалампири, редиска, ошқўк, борингки, гўшт-ёғдан ташқари иссиқ овқат учун зарур жамики масаллиқ ўзимиздан чиқади.

Бундан ташқари, болали аёлларимизга ҳам шийпонда яхшироқ қулайлик яратишга уринаяпмиз. Бу ердаги кўчма боғчада 40 нафар бола тарбияланмоқда. Улар вақтида таомлар билан таъминланаётир. Шароит қанчалик яхши бўлса, иш унуми ҳам шунчалик юқори бўлади-да.

Ишимизнинг кўлами, суръати яхши. Лекин бамайлихотирликка берилишга ўрин йўқ. Чунки ҳосил тўплашнинг ҳал қилувчи кунлари олдинда. Жамоамиз ана шу синовга пухта ҳозирлик билан бормоқда. Мақсадимиз: эртаги хом ашё етиштириб, уни қисқа муддатда йиғиштириб олиш. Бунинг учун эса албатта фидокорона меҳнат қилиш шарт. Бригадамиз аъзолари бунга қодирдирлар.

**А. ЮСУПОВ,**
**Олтинкўл районидаги «Тошкент» колхозининг бригада бошлиғи.**



КУМУШ ТОЛА ИЖОДКОРЛАРИ

## ХИРМОНДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхози пиллакорлари азалдан водийда донг таратиб келишган. Бирон йил йўқки, жамоа хўжалиги ушбу борада оқсаб қолган бўлсин. Хўжаликда ўз касбининг ҳақиқий соҳибалари етишиб чиқди. Улар орасида бригада етакчиси Улфатхон Холматованинг алоҳида ўрни бор. Жорий йилда у етакчилик қилаётган жамоа 76 қути қурт боқиб, мўлжалдагидан зиёд ҳосил етиштирди.

— Пиллачилик билан узоқ йиллардан бери шуғулланиб келаётганимизга қарамай, уни мукаммал эгаллаганмиз, деб мақтана олмаймиз! Об-ҳаво шароитининг қандай келишига қараб, йилда ўзига хос қийинчиликлар содир бўлади, — дейди Улфатхон. — Бу йил баҳорнинг бироз чўзилиши, кетма-кет ёғингарчилик натижасида барглар суст ривожланди. Қуртларни мўътадил ҳавода сақлаш учун бригадамиз аъзолари кунни тунга улаб меҳнат қилдилар.

Ҳа, пиллакор меҳнати бор-йўғи бир ой давом этгани билан унинг машаққати йилга татийди. Тажрибали кумуш тола ижодкорлари Анорхон Абдуллаева, Каримахон Тешабоева, Муҳаббатхон Тешабоева ва бошқаларнинг фидокорликлари таҳсинга лойиқ. Улар ҳар қути уруғдан 66 килограмм ўрнига 90—100 килограммдан сифатли тола олишга эришдилар.



Биз илғорларнинг хонадонларида бўлдик. Мўл ҳосил етиштирган пиллакорлар кайфияти баланд. Ташвишли, сермеҳнат кунлар ортда қолиб, ғалвир сувдан кўтарилаётган пайтда доимо шундай бўлади. Айниқса, хирмондан кўнгил тўлса.

Бир сўз билан айтганда, ленинградликлар бу сафар ҳам ўз анъаналарига содиқ қолдилар. Ҳадемай белгиланган марра зиёди билан адо этилади. Илғор пиллакорларнинг дастлабки натижалари шундан далолат бериб турибди.

**А. ТЕМУРОВ.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Юз килограммчилар Анорхон Абдуллаева ва Каримахон Тешабоева. 2. Муҳаббатхон Тешабоева меҳнати натижасидан мамнун.**

А. ҚОСИМОВ олган суратлар.

## КЎП ҚИРРАЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ

СССР президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 21 май куни Кремлда ижара ва кооператив коллективларнинг аъзолари, оилавий ва деҳқон хўжаликларининг ходимлари, колхозлар, совхозлар, агросаноат комбинатлари, бирлашмалар ва бошқа тузилмаларнинг мутахассислари ва раҳбарлари, бир қанча саноат корхоналарининг вакиллари билан учрашди.

Кооперация ва ижара соҳасида тўпланган тажриба, олинган сабоқлар ва истиқболлар тўғрисида, иқтисодий ислоҳотни кучайтириш ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш шароитида хўжалик юритишнинг янгича шаклларини янада ривожлантириш ҳақида батафсил, рўй-рост ва атрофлича фикрлашув бўлди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Е. К. Лигачев, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. С. Строев, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. В. Никитин, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. С. Белоусов, П. И. Мостовой, СССР Олий Совети комитетининг раиси А. Ф. Вепрев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилиш аҳли ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

## ДАСТЛАБКИ АТАМАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан тилимизнинг турли соҳаларида, айниқса унинг атамалари хусусида матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида қизғин баҳслар бўлмоқда. Бунинг натижасида атамаларнинг турли-туман муқобиллари топилиб, газета ва журналларда, радио ва телеэшиттиришларда кенг қўлланилмоқда, шунингдек матбуот саҳифаларида махсус равишда ташкил этилган атамалар бурчагида ҳам кўплаб атама муқобиллари тавсия этилаяпти.

Янги атамаларни ва уларнинг синонимларини тўғри танлаб, ўринли ишлатиш масаласида тилшунос олимларимиз, ёзувчиларимиз, журналистларимиз, илм-фаннинг турли соҳаларида ишлаётган мутахассисларимиз катта ёрдам бермоқдалар. Лекин, афсуски, ҳозирги пайтда матбуот саҳифаларида атамаларнинг турлича қўлланилаётганлигига дуч келаяпмиз. Бу, бир томондан, тилимиз бойлигини кўрсатса, иккинчи томондан эса, муайян чалкашликларга олиб келмоқда. Натижада идора ишлари, иш юритиш, ўқиш-ўқитиш жараёнида қийинчиликлар рўй бермоқда. Жумҳурият атамашунослик қўмитасига келаётган кўпдан-кўп хатлар ва истаклар шундан далолат беради.

Атамашунослик қўмитаси 21 май куни бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, мазкур долзарб масалани муҳокама қилди. Атамашунослар кейинги пайтда талай ишларни бажарганлиги, жумладан, энг кўп ишлатиладиган сўзлар, атамалар рўйхатини тузиб, турли идораларга, жумладан, матбуот идораларига юборганлиги, бунинг натижасида жуда кўп ва фойдали фикрлар тўпланганлиги алоҳида қайд этилди.

Энг зарур деб ҳисобланган расмий идора атамаларидан 14 таси тасдиқланди. Шу тариқа бу атамалар ҳаётга йўлланма олди.

Атамалар хусусидаги фикрлашув ва мунозараларни давом эттиришга қарор берилди.

Атама луғатлари тузиш қонун-қоидалари, матбуотда ҳар хил қўлланилаётган атамаларни тартибга солиш йўллари, қўмита бўлимларида муҳокама этилган атама луғатларини нашрга тавсия этиш хусусида ҳам бир фикрга келинди.

Атамашунослик қўмитаси мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

## ЯНА СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

СССР Олий Советининг учинчи сессияси яна белгилаб қўйилган режа доирасидан чиқиб кетди. Депутатлар тахминан бир ҳафта кечикишмоқда. СССР Олий Советининг раиси А. И. Лукьянов 21 май куни палаталарнинг қўшма мажлисини очиш чоғида шуни қайд этиб ўтди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан СССР Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари Л. И. Абалкиннинг фикрича, бундан кейин кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишда кечикишлар бир-бирига уланиб кетишига олиб боради. Агар ушбу сессияда депутатлар муҳокамасига тақдим этилган «Давлат, ижара, кооператив, жамоат ва ўзга корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги қонун қабул қилинмаса, у ҳолда келгуси йил учун мамлакат плани ва бюджетини ишлаб чиқиш тўхтаб қолади.

Депутатлар қонун лойиҳасига биринчи бор мурожаат қилаётганлари йўқ. Қонун муаллифларининг фикрича, у мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар, умуман иқтисодиёт учун, шунингдек унинг айрим бўлаклари учун барқарор молиявий базани вужудга келтиради.

Энг асосий масала — фойдадан олинадиган солиқ ставкасининг энг кўп миқдоридир. Бу масала кўпгина мамлакатларда партиялар ўртасидаги курашда асосий масалалардан бири бўлиши тасодифий эмас. Гап бир томондан, омилкорлик фаолиятини рағбатлантириш, иккинчи томондан, ижтимоий режаларни ривожлантириш ўртасида оқилона мувозанатни таъминлаш тўғрисида бормоқда. Бу хусусдаги баҳслар парламентимизнинг ҳозирги сессиясида ҳам бир неча бор авж олган. Ҳис-туйғуларга асосланган баҳолар ҳам берилган, масалан, бир қанча депутатларнинг фикрича, солиқ миқдори жуда катта — 55 фоизлиги муносабати билан қонун лойиҳасини иқтисодиёт учун «безатилган тобут» деб ҳам аташган. Бу гал Л. И. Абалкин иттифоқ бюджетига 30 фоиз ажратма давлат ўз зиммасига олаётган харажатларнинг катталигига боғлиқлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Қолган барча тўловлар, жумладан маҳаллий бюджетга тўловлар 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Ўта кўп фойдага махсус солиқ солиш тавсия этилмоқда, ҳукуматнинг таклифига кўра бундай фойда тўла-тўкис тортиб олиниши лозим. Бу тадбир рентабеллик даражасини 30 фоиздан ошириб юборадиган юқори нарх белгиловчи корхоналарга дахлдордир. Ҳеч бўлмаса ўтиш даврида бундай солиқ пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган жиддий чора бўлиши мумкин. Бир шарт қўйилди: ана шу тартиб саноатнинг бир қанча тармоқларига, хусусан озиқ-овқат саноатига тааллуқли бўлмаслиги керак, чунки озиқ-овқат саноатида асосий фондлар жуда эскириб кетган шароитда 30 фоизлик рентабеллик ҳам такрорий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон бермайди.

Бироқ парламент план ва бюджет-молия комиссиясининг раиси В. Г. Кучеренко ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги нархни ошириш ҳисобига эмас, бошқа ҳисобдан кўпаядиган корхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигини айтди. Шунингдек у депутатларнинг бошқа бир қанча мулоҳазаларини ҳам келтирди, қонун лойиҳасини пухталаштириш чоғида бу мулоҳазаларни ҳисобга олиш лозим бўлади.

Баъзи депутатлар солиқ солиш масалаларини улгуржи нарх белгилашни ислоҳ қилиш билан, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг бошқа тадбирлари билан боғламай жиддий кўриб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидладилар. Улар ҳукуматнинг яқин кунларда қилинадиган маърузасидан сўнг ушбу қонунга қайтишни таклиф қилдилар. Ҳозирча эса ҳужжат устидаги ишни давом эттириш учун СССР Олий Совети барча комитетлари ва комиссиялари вакилларидан келиштириш комиссиясини тузишга қарор қилинди.

Қўшни бино —Катта Кремль саройидан ҳамкасблар —Россия Федерацияси халқ депутатларидан сессияга мурожаатнома тушди. Улар съездда унинг мажлисларини марказий телевидение орқали биринчи навбатда кўрсатишга қарор қилинганлигини маълум қилиб, СССР Давлат телевидение ва давлат қўмитасига съезд қарорини бажариш ҳақида кўрсатма беришни илтимос қилганлар.

СССР Олий Советининг депутатлари съезднинг мурожаатномаси унча одобли эмаслигини таъкидласалар ҳам РСФСР съездига марказий телевидениенинг иккинчи программасини «бўшатиб беришга» қарор қилдилар.

Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида бошқа муаммолар ҳам пайдо бўлди. Чунончи, Россия радиоэшиттириш ва телевидение қўмитасини тузиш тўғрисидаги қарорни тезлаштириш зарурлиги айтилди. Барча иттифоқдош жумҳуриятларда съездлар, Олий Советларнинг мажлислари ўтмоқда, лекин Россиядан ташқари уларнинг биронтасида на СССР президенти, на СССР Министрлар Кенгашининг раиси қатнашди, деган фикр ҳам айтиб ўтилди. Ҳуқуқий давлатда халқлар бу соҳада ҳам тенг ҳуқуқли бўлиши лозим. Россия ҳам бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар каби ўз давлат тузумига ва рамзларига эга бўлиши керак. Бироқ регионлар ўртасида кескинликни келтириб чиқармаслик учун иттифоқдош жумҳуриятларнинг бирортасига ҳам устунлик бермаслик керак. Мамлакат раҳбарияти бундан манфаатдор бўлиши лозим.

Шундан сўнг депутатлар СССР президентига тааллуқли ҳужжатларни муҳокама қилишга қайтдилар, улар бу ҳужжатларни аввалги ҳафтада кўриб чиққан эдилар. СССР Олий Советининг «СССР президентини таъминлаш, хизмат қилиш ва қўриқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини план-бюджет ва молия ҳамда меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияларидаги, халқаро ишлар ҳамда мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари қўмиталаридаги турли соҳа мутахассислари ишлаб чиққанлар.

Давлат бошлиғининг СССР Конституциясида белгилаб қўйилган ваколатларини самарали амалга ошириш мақсадида уни давлат йўли билан таъминлаш ва хизмат қилиш белгилаб қўйилди. Хусусан, солиқ солинадиган ойлик иш ҳақи 4 минг сўмни ташкил этади, Москва вилоятида ва Қримда борғоҳ, Москвада хизмат квартираси, махсус жиҳозланган самолётлар, ва вертолётлар, махсус автомобиль транспорти бериб қўйилади, уни қўриқлаш СССР давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклатилади. Қарорга мувофиқ, 1991 йилдан бошлаб Министрлар Кенгаши СССР давлат бюджетида президент фаолиятини пул билан таъминлашга тааллуқли махсус моддани кўзда тутади.

«СССР президентининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни ва уни кучга киритиш ҳамда қўлланиш тартиби тўғрисидаги қарорни муҳокама қилиш чоғида депутатлар «ҳақоратлаш», «туҳмат» ва «танқид» тушунчаларини аниқ таърифлаб бериш зарур, деб ҳисобладилар. Ҳужжатларни пухтароқ ишлаб чиқиш натижасида ана шу тушунчалар изоҳлаб берилди, бу изоҳларга мувофиқ президентнинг шаъни ва қадр-қимматини ножўя иборалар билан атайлаб камситиш уни ҳақоратлаш, деб ҳисобланади. Президентга доғ туширувчи ёлғон уйдирмаларни атайлаб тарқатиш унга туҳмат қилиш ҳисобланади. Давлат бошлиғининг фаолияти тўғрисида, шунингдек унинг раҳбарлигида ўтказилаётган сиёсат ҳақида танқидий мулоҳазалар билан очиқ чиқишга нисбатан ушбу қонун қўлланилмайди!

СССР президентини ҳақорат қиладиган ёки унинг шаънига туҳмат ёғдирадиган материалларни эълон қилган оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение программалари ҳақорат ва туҳматга йўл қўйган шахсларга нисбатан суднинг айблов ҳукми кучга киргандан сўнг жавобгарликка тортилиши мумкин.

Депутатлар ушбу ҳужжатларни қабул қилар эканлар, президентга нисбатан «туҳмат» ва «ҳақорат» тушунчаларини аниқлаш чоғида ҳеч қандай имтиёзли талқин бўлмаслиги керак, деб таъкидладилар. Бу тушунчалар мамлакатнинг барча гражданлари учун баб-баравардир.

Маълумки, энг мукаммал қонун ҳам фақат амал қилса яхши бўлади. Давлат солиқ инспекцияси солиқ солишнинг янги системаси амал қилишини таъминлаши керак. Кечқурунги мажлисда уларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулияти тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Шундай бўлдики, бугун барча ҳужжатлар иккинчи марта муҳокама қилинди. СССР Министрлар Кенгашининг лойиҳаси план ва бюджет-молия комиссиясида пухталаштирилгандан кейин жуда қисқа муҳокама қилинди, бу эса лойиҳанинг пухта тайёрланганидан далолат беради. Умумий фикрга кўра, қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда молия ва бюджет интизомини мустаҳкамлайди, солиқ тўғрисидаги қонунларнинг аҳамиятини оширади. Назоратни кучайтириш, мутахассисларнинг ҳисоблари кўрсатишича, бюджетга йилига қўшимча равишда 2 миллиард сўмгача маблағни қўшиш имконини беради. Ана шу қўшимча маблағни деб инспекцияларнинг тузилиши учун харажат қилса арзийди!

Солиқ хизмати таркибида 65 минг киши бўлиши керак. Лекин бу рақамдан чўчимаслик лозим: шундан 40 минг киши ҳозир мавжуд молия идораларининг ходимларидир. Мамлакатимизда мана шу бўлажак хизмат иш ҳажми жуда катталиги ҳисобга олиниб, ҳукуматнинг диққат-эътибори уни ахборот-ҳисоблаш системаси билан таъминлаш зарурлигига қаратилди.

Қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Ю. ВОРОБЬЕВСКИЙ, Л. ЕРМАКОВА, С. ЖАРКОВ.**

## АДОЛАТНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

21 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети 40-йилларнинг охири— 50-йилларнинг бошларида ВКП (б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида»ги қарори асосида қабул қилган баъзи қарорлар билан боғлиқ материалларни ўрганиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Бу қарорни КПСС Марказий Комитети 1988 йилда хато қарор сифатида бекор қилган эди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда қилинган ишларнинг баъзи якунлари кўриб чиқилди, комиссиянинг бундан кейинги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Комиссия ўз хулосаларининг бир қисмини Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди арафасида эълон қилиши мумкин, деган қарорга келинди.

(ЎзТАГ).

## ПАРВОЗ ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ ДАВОМ ЭТМОҚДА

МОСКВА, 21 май. **(ТАСС мухбири А. Филиппов).** Чет мамлакатлардаги бир қанча оммавий ахборот воситаларининг «Мир» совет орбитал комплексида авария бўлиш эҳтимоли тўғрисидаги хабарлари воқеликка тўғри келмаганлиги маълум бўлди.

ТАСС мухбирига учишни бошқариш марказидан хабар қилишларича, «Мир» орбитал комплексининг парвози программага мувофиқ ўтмоқда. Экипаж «Кристалл» модулини станция таркибига қабул қилиб олиш учун тайёрланмоқда. «Кристалл» модули бўлган «Протон» ракета учирувчиси Бойқўнғир космодромидан 31 май ёки 1 июнь куни учирилиши мўлжалланмоқда.

— Станцияда ҳеч қандай авария бўлгани йўқ, — деди учиш раҳбарининг ўринбосари В. Благов. — Шу кунларда бир ҳафта давом этган «қуёш бўйлаб» айланишлар деб аталган парвоз тугади. Бу вақтда станциянинг ташқи томони қуёш нурлари билан узлуксиз ёритилиб ва иситилиб турди. Лекин бу парвоз режаларида кўзда тутилган ва амалга оширилиши керак бўлган иш режимидир. Иссиқликни тартибга келтириб турувчи система станция бўлмалари ичида цельсий бўйича 26 даражали ҳароратни сақлаб турибди. Парвознинг одатдаги режимида бу ҳарорат 24 даража атрофида бўлади.

